

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-82
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрдаги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Молия ва молиявий технологиялар”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, урта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов, т.ф.н., доц. Р.А.Хабиуллаев.

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули: и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц. М.Дехканова.

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов.

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.

“Мутахассислик фанлари” модули: академик С.С. Ғуломов, и.ф.д., проф. Т.Маликов, и.ф.н., доц. С. Худойқулов, и.ф.н., доц. Х.Қурбонов, и.ф.н., доц.Б.К. Тухлиев, PhD. А.Агзамов, PhD. М.Бауетдинов.

Тақризчилар:

Хорижий эксперт: Хаддерсфилд университет профессори Н.Каримов, Буюк Британия и.ф.д., доц. С.К. Худойқулов- ТДИУ проректори, Солиқ ва сугурта иши кафедраси

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг қарори билан масдиқча тавсия қилинган (2020 йил _____даги _____-сонли баённома).

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнкимларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаетган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг

мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлар

- 3.1. Давлат молияси.
- 3.2. Корпоратив молия.
- 3.3. Замонавий молия тизими.
- 3.4. Давлат қарзларини бошқариш.
- 3.5. Рақамли иқтисодиёт.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

- “Молия ва молиявий технологиялар” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Молия ва молиявий технологиялар” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- давлат молияси ва уни бошқариш амалиёти, замонавий йўналишлари ҳамда янгиликларини;
- давлат бюджетини тўлдириш билан боғлиқ масалаларни;
- ҳукуматнинг микроиктисодий функцияларини;
- корпоратив молиянинг илмий-назарий асослари ва ташкилий-иктисодий асосларини;
- корпоратив молиянинг эконометрик моделлаштириш асосларини;
- молиявий ресурсларни самарали жойлаштириш учун лозим бўлган инструментларни;
- ижтимоий ҳимоя давлат дастурларини;
- соликқа тортиш меҳанизмларини;
- инвестиция даромадини баҳолашни;
- молиявий таҳдил ва режалаштириш усулларин;
- иктисодий кўрсаткичларни прогнозлашдаги эконометрик моделларни;
- молия бозори инструментларини;
- молия бозорларини, институтларини, молия инструментларини, молиявий хизматларни;
- давлат қарзлари ва молиясини бошқаришда молия бозорларининг ролини;
- давлат қарзларини бошқаришнинг мазмуни ва иктисодий аҳамиятини;
- давлат қарзларини бошқариш стратегиясини;
- давлат қарзларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишларини;
- давлат бюджети тақчилигини қоплаш манбаларини;
- рақамли иктисодиёт тушунчаси ва унинг аҳамиятини;
- рақамли иктисодиётнинг институтционал таркибини;
- рақамли иктисодиётнинг асосий ривожланиш йўналишларини **билиши керак**.

Тингловчи:

- давлат молиясини бошқариш механизмидан фойдаланиш;
- давлат бюджети маблағларини тақсимлаш инструментларидан фойдаланиш;
- ижобий таҳлил инструментларини амалда қўллаш;
- норматив таҳлил инструментларини амалда қўллаш;
- иқтисодий самарадорлик таҳлилидан фойдаланиш;
- қарорлар қабул қилишда миқдорий усуллардан фойдаланиш;
- молиявий таҳлил ва режалаштиришни амалда қўллаш;
- регрессия коэффициентларини “Энг кичик квадратлар усули” (ЭКК) ёрдамида ҳисоблаш;
- миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва инновацион тараққиёти қонуниятларини билишга таяниб, молиявий жараёнларни таҳлил қилиш;
- молиявий кўрсаткичлар асосида корпоратив ҳамда давлат молиясидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш;
- молия бозорлари фаолиятини тартибга солиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш;
- давлат ички ва ташқи қарзларини самарали бошқариш;
- кредит бозори, валюта бозори ҳамда халқаро капитал оқимининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш;
- Блек-Шульц моделидан фойдаланиш;
- давлат қарзларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- давлат ички қарзларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилаш;
- давлат бюджети даромадларини прогноз қилиш;
- рақамли иқтисодиётнинг технологик асосларидан фойдаланиш;
- рақамли иқтисодиётда электрон тижорат моделларини фарқлай олиш;
- рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар трансформацияси каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Тингловчи:

- давлат молиясини самарали бошқариш ҳамда ресурсларни тақсимлаш;
- ресурсларни жойлаштириш ва даромадни тақсимлашда давлатнинг таъсирини баҳолиш;
- давлат бюджети даромадларини шакллантиришда соликка тортиш самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш;
- молия йўналишида инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда эконометрик моделлар тизимидан фойдаланиш;
- корпоратив молия кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш натижаларини баҳолаш;
- молия бозорлари инфратузилмаларини шакллантириш;
- давлат қарзларини молиялаштириш манбаларини мукаммаллаштириш;
- саноат 4.0 ва унинг ривожланишини таҳлил қилиш;

- иқтисодиёт тармоқларининг рақамли трансформациясига оид **малакаларига эга бўлиши зарур.**

Тингловчи:

- молиявий кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш;
- эконометрик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- молиявий бозорлар ва инструментларнинг сифат тавсифларини баҳолаш;
- молиявий сектор муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, молия тизимини инновацион ва стратегик ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқиш;
- давлат қарзи назарияси бўйича мустақил ёндошувларини шакллантириш;
- давлат қарзларини камайтириш муаммолари ва ечимларини аниқлаш;
- саноат тармоқларининг рақамли трансформациялаш;
- Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби **компетенцияларга эга бўлиши зарур.**

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**«МОЛИЯ ВА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР» ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ
МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

**I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ
ИННОВАЦИЯЛАР**

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг хуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш обьектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-ложиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичмабосқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Science тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модули-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўкув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъruzza, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўкув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид:

e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оиласиёй қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАР

3.1. Давлат молияси

Давлат молиясининг моҳияти, асосий тушунчалар ва бошқариш механизми. Давлат бюджети, бюджет тизими, бюджет жараёни. Давлат бюджетининг тўлдирилиши ва унинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар. Давлат бюджетидан ташқари фондлар. Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги харидор роли. Реал ресурслардан фойдаланиш давлатнинг бош масаласи сифатида. Ҳукуматнинг микроиктисодий функциялари. Ресурсларни жойлаштириш ва даромадни тақсимлашда давлатнинг таъсири. Ижобий таҳлил инструментлари. Эмпирик тадқиқотлар давлат сиёсати ўзгаришларининг субъектлар ҳатти-ҳаракатларига таъсирини ўлчаш инструменти сифатида. Норматив таҳлил инструментлари. Иқтисодиётнинг тўлақонли таъминланганлиги. Иқтисодиётнинг тўлақонли таъминланганлигининг биринчи ва иккинчи фундаментал назариялари. Та什қи омиллар моҳияти ва турлари. Ижтимоий ҳимоя турлари. Ижтимоий ҳимоя давлат дастурлари. Иқтисодий самарадорлик таҳлили. Солиқлар ва улар турлари. Солиққа тортиш ва даромад тақсимоти. Солиққа тортишда самарадорлик масалалари.

3.2. Корпоратив молия

Пул оқимларининг вақтли қиймат концепцияси. Келгуси пул оқимларининг жорий қийматини баҳолаш. Умрбод рента. Пул маблағларининг аралаш оқимларини жорий қиймати. Тенг даврий тўловлар сериясини жорий қиймати. Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Инвестициянинг қопланиш муддати. Инвестицияларни қоплашнинг дисконтлаштирилган муддати.

Даромаднинг бухгалтерия меъёрий коэффициенти (ARR). Соф келтирилган самара. Инвестициянинг рентабеллик индекси. Даромадлиликнинг ички нормаси. Акциядорлик жамиятлари асосий ва айланма активлари ҳамда уларни бошқариш.

Қимматли қоғозлар портфеллари турлари ва инвестицион стратегия. Баланслаштирилган портфеллар. Ихтисослаштирилган портфеллар. Узок муддатли қимматли қоғозлардан ташкил топган портфеллар. Акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозлар портфелларини бошқариш ва портфел даромадлигини ҳисоблаш. Қимматли қоғозлар бозори чизиги. Портфел назарияси ва молиявий активлар даромадлигини баҳолаш модели. Молиявий бозорларнинг эҳтимолли модели. Г.Марковицнинг инвестициялар назарияси. Молиявий бозорларнинг параметрик модели.

Акциядорлик жамиятларини акцияларни оммавий жойлаштиришнинг иқтисодий моҳияти, афзалликлари ва камчиликлари. Акциядорлик жамиятини акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари. Ўзбекистиндаги акциядорлик жамиятларини акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ва мавжуд муаммолари. Акциядорлик жамиятларига капитални жалб қилишда IPO ва SPO усулларидан фойдаланиш.

Капитал қиймати иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Хусусий ва қарз капиал қиймати. Капитал қийматининг ўртача тортилган қиймати. Капитал қиймктини ҳисоблаш механизми. Капитал баҳосининг ўртача қиймати микдорини оптималлаштириш. Корпоратив тузилмаларда капитал баҳосининг ўртача қийматидан фойдаланиш йўналишлари.

3.3. Замонавий молия тизими

Молия тизимининг ривожланиш босқичлари. XX аср охири ва XXI аср бошларида молия назарияси бўйича илмий қарашлар ва молия тизимининг трансформаллашуви. Глобаллашув жараёни ва миллий молия тизимига таъсири. Замонавий молия тизимининг концептуал асослари ва бўғинлари.

Давлат молиясининг бўғинлари ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. Турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари молияси ва ундаги мвжуд глобал муаммолар. Давлатнинг кредит тизими ва уни бошқариш муаммолари. Давлат қарzlари ва уни бошқаришнинг глобал муаммолари. Банклар ва банк тизими ривожланишнинг замонавий тенденциялари. Молия бозорлари ва ҳозирги глобаллашув шароитида унинг ривожланиш тенденциялари.

Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг шаклланиши. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг биринчи босқичида молия тизимидағи ислоҳотлар. Ислоҳотларнинг кейинги босқичларида молия тизимидағи ислоҳотлар. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишлари. Миллий сугурта тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва бюджет-солик сиёсатининг устувор йўналишлари. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими шаклланиши. Ўзбекистон Республикасининг солик тизими. Солик тизимининг ривожланиши ва унинг хукукий асослари.

3.4. Давлат қарзларини бошқариш.

Давлат қарзлари тушунчаси. Давлат қарзларини бошқариш. Давлат қарзи назарияси, классикларнинг қарз тўғрисида назариялари, Кейнс ва “Янгиортодоксия”, “Соғлом молия” ва “функционал молия”. Иқтисодиёт трансформациялашуви шароитида давлат қарзларининг моҳияти, хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини соғломлаштириш.

Ўзбекистонда давлат ички ва ташки қарзларининг вужудга келиш омиллари. Давлат қарзларини қоплаш манбалари. Давлат ички қарзлари. Давлат ички қарзлари таркиби ва омиллари. Давлат ички қарзларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишлари. Давлатнинг молия сиёсатида ички қарзларни бошқариш тадбирлари. Давлат қарзларини камайтириш муаммолари ва ечимлари. Давлат ташки қарзлари ва шакллари. Давлат ташки қарзларини молиялаштириш ва мукаммаллаштириш. Давлат ташки қарзларини самарали бошқариш. Давлат ташки қарзларини қоплаш манбалари. Давлат бюджети тақчилигини қоплашнинг инфляцион ва ноинфляцион манбалари. Давлат бюджети даромадларини прогноз қилиш.

3.5. Рақамли иқтисодиёт

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари ва хуқуқий- норматив асослари. “Рақамли иқтисодиёт” ҳақида тушунча. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида рақамли инновацион технологияларнинг қўлланилиши. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” миллий стратегиясининг концепцияси. Рақамли иқтисодиёт 21-асрнинг инновацион технологиялари сифатида: барқарор ривожланиш йўлидаги тўсиқлар ва муаммолари. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари ва хуқуқий- норматив асослари. Рақамли иқтисодиётда комплекс бир-бири тўлдирувчи технологияларнинг самарадорлиги. Рақамли иқтисодиётни комплекс инновацион технологиялари. Электрон ҳукумат ва электрон тижорат моделлари самарадорлиги. Саноат 4.0 ва унинг ривожланиши.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий- методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган қўрсаткичлари), яқуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъододли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсни кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўнималарини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва қўнималарини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;
- мустақил таълим олиш ўйли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги
ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

Ш. Махсус адабиётлар

35. Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др.; Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с.

36. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

37. Гулобод Құдратуллоқ қызы, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Аңғанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказы” нашриёти, 2019. 312 б.

38. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётта блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.

39. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

40. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

41. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “Академ нашр”, 2011. - 472 б.

42. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

43. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

44. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf

45. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

47. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

48. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

49. Frederick Mishkin. Financial Markets and Institutions. USA: Global Edition, 8 edition Pearson Education, 2015.
50. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
51. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
52. Harvey Rosen, Ted Gayer. Public Finance. UK: Pearson, 2013.
53. Jonathan Berk, Peter De Marzo. Corporate Finance: The Core.- USA: Pearson, 2014.
54. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
55. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

IV. Интернет сайтлар

56. www.press-service.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Матбуот маркази сайти.
57. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали
58. www.lugat.uz, www.glossaiy.uz - Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari
izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme.
59. www.uz - Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги:
60. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
61. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
62. www.press-uz.info
63. www.ziyonet.uz
64. www.edu.uz
65. www.mf.uz
66. www.vestifinance.ru
67. www.imf.org
68. www.worldbank.org

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор_____ Т.Т. Шоймардонов
“____” _____ 2020 й.
М.ў.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш хамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи_____ Ф.Т.Эсанбобоев
“____” _____ 2020 й.
М.ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ректор _____ К.А. Шарипов
“____” _____ 2020 й.
М.ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
тармоқ маркази

Директор_____ Д.А. Каримов
“____” _____ 2020 й.
М.ў.

